

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

*Кўлъёзма ҳуқуқида*  
**УДК: 331.522(575.1)**

**МАМАРАХИМОВ БЕКЗОД ЭРКИНОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА  
ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифни  
мувозанатлаштиришнинг асосий  
йўналишлари**

**08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси**

Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Шодмонов Шерқул Шодмонович**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Абулқосимов Ҳасан Пирназарович**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Толаметова Зилола Абдижапаровна**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва  
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш  
вазирлигиги

Ҳимоя Тошкент молия институти ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори  
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.60.01  
раками Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил «09 »октябрь  
соат 11:00 да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 60-А уй

Диссертация билан Тошкент молия институти кутубхонасида  
танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «07 »сентябрь да тарқатилди.

# ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодий барқарорликка эришиш ва ахолининг турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва ундан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг асосий йўналишлари иқтисодиётни модернизация килиш ва диверсификациялаш, Инқирозга карши чоралар дастурини амалга ошириш негизида асосий эътибор миллий иқтисодиётимизда мавжуд ресурслардан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида самарали фойдаланишта каратилган.

Ишчи кучи ресурси – ижтимоий-иктисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ресурслардан биридир. “Бутунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида ракобатбардошлиги нафакат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга кодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юкори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди”<sup>1</sup>.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг янги тўлкинлари намоён бўлиб турган бир даврда ишчи кучи ресурсларининг тўлиқ ва оқилона бандлигини таъминлаш масаласига, ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги мувозанатни таъминлашга жиддий эътибор бериш лозим. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучи бозорида талаб ва таклифнинг шаклланиши ва уларни мувозанатга келтиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш долзарб масала бўлиб, иқтисодий адабиётларда етарли даражада тадқиқ килинмаган муаммолардан биридир.

Ишчи кучи ресурсларининг салоҳияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасида етакчи ўрининг эга бўлиб, уларнинг иқтисодиёт тармоқларида самарали бандлиги ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ишчи кучи ресурсларининг самарали бандлигини таъминлаш, уларни тартибга солиш, яширин ишсизлик даражасини камайтириш, ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, унинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта куроллантириш шароитида ишчи кучи талаби ва таклифи таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй бериб, бандликнинг янги, ноанъянавий шакллари вужудга кела бошлади. Мамлакатимизда қатор меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва уларнинг хаётта татбиқ этилиши кўплаб иш жойларининг ташкил этилиши – ишчи кучи

<sup>1</sup> “Юксак биламли ва интеллектуал ризволланган авлодни тарбиялаш – мамлакатин барқарор тараққий эттириш ва модернизация килиншинг энг муҳим шарти” мавзудати ҳалқаро конференциясининг якуний ҳужжати – резолюцияси // “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 19 февраль.

бозоридаги вазиятнинг яхшиланишига олиб келган бўлсада, янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммолар сақланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида “Хеч кимга сир эмас, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини саклаб қолмоқда, десак, хеч қандай муболага бўлмайди”<sup>2</sup> деб, яна бир бор мазкур муаммога алоҳида ўзтибор қаратдилар. Шунга кўра, ушбу тадқиқот ишининг долзарблиги иктисодиётни модернизациялаш шароитида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш билан боғлиқ илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, хукуматнинг мақсадли дастурларига мазкур таклифларни киритиш зарурлиги билан белгиланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ишчи кучи ва унинг бандлиги муаммоларини турли илмий мактаблар вакиллари бўлмиш П.Буагильбер, Ж.М.Кейнс, Ф.Кенз, Ж.Б.Кларк, А.Маршалл, У.Петти, Д.Рикардо, А.Смит, Ж.Б.Сэй, Й.Шумпетер, П.Самуэльсон каби олимлар томонидан ўрганилган. Бугунги кунда ишчи кучи ресурслари бандлиги муаммолари хорижий ва мамлакатимиз иктисадчилари, социологлари, демографлари томонидан чукур ўрганилиб келинмоқда. Хусусан, бу муаммоларни хорижий мамлакатлар олимларидан В.В.Адамчук, С.Л.Брю, К.Р.Макконнелл, В.С.Буланов, Н.А.Волгин, Б.М.Генкин, В.М.Соколинский, В.Е.Корольков, С.С.Носова, М.Е.Сорокина, В.А.Павленко, О.В.Ромашов, А.И.Рофе, Р.С.Смит, М.П.Тодаро, А.Я.Кибанова, Р.Д.Эренбергларнинг асарларида таҳлил қилинган<sup>3</sup>. Ишчи кучи ва унинг бандлигининг назарий ва амалий жиҳатлари республикамиз олимларидан<sup>4</sup> Қ.Ҳ.Абдурахмонов, А.А.Абдуғаниев, Х.П.Абулқосимов,

<sup>2</sup> 2012 йил Ватанининг тарқиётининг янги босичча кўтарадиган йил бўлади. Президент Йислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисадий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалашинган энг муҳим устувор йўналашшарига багтишинган ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг маълуматидаги маъруzasи // “Халқ сўнг” газетаси. 2012 йил 20 январь.

<sup>3</sup> Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономик: принципы, проблемы и политика: Пер. с 17-го англ. изд. – М.: ИНФРА-М, 2009, 916 с.; Носова С.С. Экономическая теория. Учебник. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2008, 800 с.; Рынок труда: учебник / под ред. проф. В.С. Буланова и проф. Н.А. Волгина. – 3-е изд. перераб. и доп. – М.: изд-во “Эксамен”, 2007, 479 с.; Генкин Б.М. Экономика и социология труда: учебник для вузов. - 7-е издание, доп. - М.: НОРМА, 2007, 448 с.; Экономическая теория: учебное пособие / В.М.Соколинский, В.Е.Корольков [и др.]; – 4-е изд. стер. – М.: КНОРУС, 2008, 446 с.; Экономическая теория. Экспресс курс: учебное пособие / под ред. А.Г.Гризновой, Н.Н.Думной, А.Ю.Юданова. – М.: КНОРУС, 2005, 608 с.; Тодаро М.П. Экономическое развитие: учебник / пер. с англ. – М.: Экономический факультет МГУ, ЮНИТИ, 1997. 671 с.; Павленко В.А. Рынок труда. Занятость. – Учебник. – М.: изд-во МГУ, 1992. 112 с.; Рофе А.И. Рынок труда: учебник для вузов. – М.: МИК. 1997. 160 с.; Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. – М.: Изд-во МГУ, 1996. 800 с.; Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда: учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1999. 407 с.

<sup>4</sup> Абдурахмонов Қ. Мехнат иктисадидати (назария ва амалий). Дарслик. – Т.: “Молия”, 2004. 671 б.; Абулқосимов Х.П. Иктисадидати нисон омилни: шаклланши амал килиши ва фоизлашуви. – Т.: “Академия”, 2006. 248 б.; Абдутаниев А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иктисадидати меҳнат бозори. – Т.: “Мехнат”, 1999. 97 б.; ШШ.Шодмонов, У.В.Гафуров, О.Ҳ.Ҳамроев, Э.П.Шадмансов. Иктисадидатда тежаккорлар ва муносабликни таъминлаштириш низарий-устубий асослари. Монография. Тошкент: Ёзувчи нашриёти, 2010. 304 б.; Мирзакаримова М.М. Ўтиш даври иктисадидати меҳнат бозори ва унинг амал килиши механизми тақомилаптириши. Ихт. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1998. 21 б.; Худойбердиев З. Бандлиги (иктисадий ва сийёси талони). Итмай рисола. – Намигигац, 2003. 103 б.; Зиёев Т.М. Илгич кучи ва бандлиги назарияси. Ўқув кўлланма. – Тошкент, 2009. 176 б.; Юлдашев М. Региональные факторы формирования рынка труда. – СТИБ., 1993. 110 с.; Тогаев Б.Э. Янги ягни кучи: унинг тарқиати ва бандлигини таъминлаштириш асосий йўналашшарига. Ихт. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004. 26 б.; Ўлмасов А., Вахобов А. Иктисадидат назарияси: Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006. 445 б.; Алимова Г.А. Бозор иктисадидати ўтиши широнтида ижтимоий-маддий инфраструктура ва меҳнатда бандлик муаммолари. Ихт. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2002. 49 б.; Толаметов З.А. Бозор иктисадидатига ўтиши широнтида меҳнат салоҳиятини яшайтишни ва ундан самарали фойдаланиш. (Ўзбекистон Республикаси мисосиди): Иктисад фенлари номзади. дис. автореферағи - Тошкент, 1998.-23 б.; Расуловна Д.В. Бозор муносабатлари широнтида ишчи кучи бозорининг амал килиши меҳанизми. Ихт. фан. ном. ... дис. автореф. Тошкент, 2005, 44 б.

Г.А.Алимова, Э.А.Ахмедов, А.В.Вахобов, Ш.Ш.Шодмонов, А.Ўлмасов, Т.М.Зияев, Л.П.Максакова, Ф.Мамарасулов, Ш.Р.Холмўминов, М.М.Мирзакаримова, Д.В.Расулова, З.А.Толаметова, Б.Э.Тогаев, З.Р.Худойбердиев ва бошқаларнинг илмий ишларида баён этилган. Ишчи кучи тақлифи сифатини яхшилаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ривожлантириш ва рақобатбардошлилигини ошириш масалалари эса О.Қ.Абдурахмонов, Д.А.Каримова, Г.Т.Минаварова, Л.В.Перегудов, Д.Н.Рахимова, М.Х.Саидов, Э.Сейтхамолов, Ш.Курбоновлар илмий ишларида ёритилган<sup>5</sup>.

Ишчи кучи бозорининг мазмун-моҳияти ва амал қилиш хусусиятлари, механизми тадқикига оид мавжуд илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу борада мунозарали, етарли даражада тадқиқ этилмаган ҳолатлар мавжуд. Жумладан:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишчи кучи бозорининг амал қилиш механизми чукур тадқик этилмаган. Ишчи кучига талаб ва унинг тақлифининг мазмуни, уларнинг таркиб топиш хусусиятлари, қамров доираси ҳамда омиллари тўғрисида ягона фикрга келинмаган;

- ишчи кучи бозоридаги мувозанатликни таъминлашда факат талаб ва тақлифининг кўшимча кисми, яъни жорий даврда янгидан яратилган иш ўринлари ва янгидан тақлиф этилган ишчи кучи ўртасидаги мувофиқлик билан чекланилиб, улар ўртасидаги умумий мувозанат эътибордан четда қолдирилган;

- ишчи кучига талаб ва унинг тақлифи ўртасидаги мувозанатга иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг таъсири масалалари ўрганилмаган ва ҳ.к.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, ишчи кучи бозорининг амал қилиш механизми ва уни тартибга солиш дастаклари, яъни ишчи кучига талаб ва унинг тақлифи ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларининг мазкур мувозанатга таъсирининг илмий-амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб, бу мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ. Ушбу илмий иш университетдада бажарилган ОТ-Ф7-121 – “Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** иқтисодиётни модернизациялаш жараённада ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифни мувозанатлаштиришга қаратилган илмий тақлифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиши.

<sup>5</sup> Абдулкосимов Ҳ.П., Минаварова Г.Т., Каримова Да.Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш гизимини тақомиллаштириш йўлари. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. 64 б.; Курбонов Ш, Сейтхалилов Э. Национальная модель и программа по подготовке кадров: достижение и результат независимости Узбекистана. – Т.: Ma’rifat-Madadkor, 2006. 655 с.; Перегудова Л.В., Саидов М.Х. Менеджмент и экономика высшего образования. – Т.: Молия, 2001. 251 с.; Рахимова Да, Абдурахмонов О. Мехнат бозорини тартибга солишда таъйин тизимиининг роли. – Т.: Akademiya, 2006.

**Тадқиқот вазифалари.** Ишнинг мақсадидан келиб чиқкан ҳолда тадқиқот жараёнида қуидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинган:

- ишчи кучи бозори, унда талаб ва таклиф шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;
- иктисолиётни модернизациялаш жараёнларининг ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиш;
- ишчи кучи талаби ва таклифи мувозанатини баҳолашнинг услугий масалаларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;
- ишчи кучига бўлган таклиф микдори, сифати ва таркибини талаб даражасига етказища таълим тизимининг ролини кўрсатиш;
- иктисолиётни модернизациялаш шароитида ишчи кучининг оқилона банддигини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича илмий хулоса ва амалий таклифлар бериси.

**Тадқиқот обьекти:** Ўзбекистон Республикасида иктисолиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучи бозори, ундаги талаб ва таклифнинг микдор, сифат ва таркибий жиҳатидан ўзгариши.

**Тадқиқот предмети:** иктисолиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучи бозорининг амал қилиши, ундаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш жараёнида содир бўладиган иктисолий муносабатлар.

**Тадқиқот методлари:** диалектик усул, илмий мушоҳадалаш, таҳлил ва синтез, индуksия ва дедукция, қиёсий, тизимли таққослаш, математик ва статистик усуллари.

**Тадқиқот гипотезаси.** Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни амалиётда қўллаш асосида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи шаклланиши ҳамда ривожланишида иктисолиётни модернизациялашнинг аҳамиятли таъсир кўрсатиши, мазкур жараёнларнинг мақсадга мувофиқ тартибга солиниши ишчи кучи бозорининг мувозанатини таъминлаш имконини бериси мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- ишчи кучи бозорининг мазмуни, ундаги талаб ва таклиф шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилиб, бу борадаги мунозарали масалаларга муаллифнинг шахсий фикри баён этилди ва мавжуд назарий қондалар чукӯрлаштирилди;
- ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи умумий ва қўшимча микдорларининг ўзаро фарқланиши кўрсатилиб, ишчи кучи бозоридаги мувозанатни таъминлашда фақат бугунги кун амалиётида қўлланилаётган қўшимча талаб ва қўшимча таклиф ўргасидаги микдорий мувофиқликка эмас, балки, умумий талаб ва умумий таклиф ўргасидаги микдор ва сифат (малака, қўнишка, касб тури, ёш, жинс ва бошқа жиҳатлари), тармоқ ва ҳудудлар бўйича мувофиқликка эътибор қаратиш зарурлиги асосланди;
- бозорда ишчи кучи товарига бўлган талаб ва таклиф шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш асосида уларнинг бошқа товарларга

бўлган талаб ва таклифдан фарқли жиҳатлари аниқланди ва муайян тизимга солинди;

- иқтисодиётни модернизациялаш жараёnlарининг ишчи кучи талаби ва таклифига таъсири турли йўналишларда намоён бўлиши, бунинг натижасида мазкур жараёnlарнинг ишчи кучи бозори мувозанатига ҳам турлича таъсир қилиши мумкинлиги асослаб берилди;

- Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўргасидаги мувозанатлик ҳолати ва унинг ўзгариши таҳлил қилиниши асосида уни такомиллаштиришнинг айрим йўллари тавсия этилди;

- республикада ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўргасидаги мувозанатликни таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ўрганилиб, бу борадаги муаммолар, уларни ҳал этишнинг айрим йўллари баён этилди.

### **Ишнинг илмий янгилиги:**

- ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг бошқа товарларга бўлган талаб ва таклифдан фарқли жиҳатлари илмий асосланган;

- ишчи кучига талаб ва унинг таклифи мувозанатини бахолашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган;

- ишчи кучи бозори мувозанатлигини тўғри таъминлашда ишчи кучига бўлган умумий талаб ва таклифни ҳисобга олиш зарурлиги ва унинг қўшимча талаб ва таклифдан фарқланиши асосланиб, уларни микдорий жиҳатдан аниқлаш усуллари кўрсатиб берилган;

- иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнининг ишчи кучи талаби ва таклифига таъсири ўрганилиб, унинг натижасида ишчи ўринлари микдорининг ўзгаришини бахолаш бўйича услубий тавсиялар берилган;

- иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучи бозори мувозанатига эришиш мақсадида айрим тармоқлардан бўшаган ишчи кучларини турли тармоқларда ва хизмат кўрсатиш соҳасида қўшимча иш жойларини яратиб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- Ўзбекистон Республикаси худудларида турли омиллар таъсирида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда ишчи кучи бозорини мувозанатлаштиришнинг айрим йўналишлари кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур тадқиқот жараёнида олинган илмий хуоса ва амалий тавсиялардан ўрга ва узок муддатли истиқболда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштириш муаммоларини чуқур тадқик этишга бағишлиланган махсус илмий тадқиқот ишларини олиб боришида, шу муаммолар билан ишлаб ётган магистрлик диссертацияси ва битирув малакавий ишларини тайёрлашда фойдаланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мазкур тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан иқтисодиётни

модернизациялаш жараёнида қисқарған мұтакассис ва ишчи кучи әгаларининг малакасини ошириш, кайта тайёрлаш, тармоқларда модернизациялаш натижасыда ишсиз қолғанларни шу соҳада хизмат кўрсатиш билан банд қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, турли имтиёзлар бериш орқали ишчи кучи таклифини мақсадга мувофик йўналтириш борасида берилган таклифлар амалиётда кўллаш максадида қабул қилинган.

Диссертация ишининг материаллари ва асосий ғоялари Республика олий ўкув юргларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Бозор иқтисодиёти асослари”, “Мехнат иқтисодиёти” фанлари, “Ишчи кучи ва бандлик назариялари” маҳсус курсларининг ўкув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари асосида тайёрланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (2011 йил 9 июнданги М-03/19-09-11-сонли далолатнома) ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети (2010 йил 28 апрелдаги далолатнома) томонидан амалиётда ва ўкув жараёнида жорий этиш қилиш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари “Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари” (Тошкент, 2007), “Иқтисодиётнинг тарқибий қисмлари ўргасидаги мутаносиблиқ ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари” (Тошкент, 2008), “Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики” (Москва, 2008), “Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуклар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, 2008), “Социально-экологические проблемы развития интеграционных процессов в условиях глобализации экономики” (Москва, 2009), “Иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий мутаносибликни таъминлашнинг асосий йўналишлари” (Тошкент, 2011), “Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида мутаносибликни таъминлашнинг асосий йўналишлари” (Тошкент, 2011), “Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари” (Тошкент, 2012) каби халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва маъкулланган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси ва Тошкент молия институти ҳузуридаги Д.067.60.01 рақамли Бирлашган иқтисослашган кенгашнинг Илмий семинари мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганини.** Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бўйича 4 та илмий макола ва 11 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши тарқиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация иши матни 145 бетдан иборат бўлиб, унда 20 та жадвал, 13 та расм ва б та илова келтирилган.

# ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучи бозоридаги мувозанатни таъминлашнинг асосий йўналишларини тадқик этишда аввало, ишчи кучи талаби ва таклифи шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Мамлакатимизда мустақил иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантиришдан иборат стратегик мақсадга эришиш миллий иқтисодиётнинг деярли барча жабҳаларида бозор ислоҳотларини амалга оширишни такозо этади. Шунга кўра, ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришни ташкил этишининг энг муҳим шарти – ишчи кучи ресурсларининг миқдор ва сифат жиҳатдан етарлилигини таъминлаш масаласини ҳам бозор тамойиллари орқали ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан мазкур иқтисодий тизимда мавжуд бўлган ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ишчи кучи бозорининг амал қилиш механизми етарли даражада ўрганилмаган. Ҳозирга қадар “ишчи кучи” ва “мехнат” тушунчаларининг мазмунни бўйича олимлар ўртасида бир якдил фикрга келинмаган. Бунинг натижасида мазкур тушунчалар билан боғлиқ (масалан, ишчи кучи бозори, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ва х.к.) бошқа категорияларни ҳам кўллашда жiddий назарий-услубий мунозаралар вужудга келмоқда. Масалан, профессорлар В.С.Буланов ва Н.А.Волгин “ишчи кучи бозори”, “мехнат бозори” ҳамда “мехнат ресурслари бозори” тушунчалари алоҳида, мустақил тушунчалар бўлиб, улар мустақил тарзда амал қилиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Бу каби бир неча турли тушунчаларга мазмунан бир хил (синоним) тушунча сифатида ёндашиб ёки уларнинг мазмунини бир-бири билан чалкаштириш – ишчи кучи бозори ҳамда унинг таркибий қисмлари ишчи кучига талаб ва унинг таклифининг мазмун-моҳияти, уларнинг амал қилиш механизмларини яхши тушуниб, улардан самарали фойдаланиш йўлларини аниклашда кийинчиликлар туғдирмоқда.

Диссертант томондан ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида шундай хulosага келдиндики, ишчи кучи бозори – ишчи кучи товари эгалари ва унинг истеъмолчилари, яъни ишчи ва иш берувчилар ўртасидаги олди-сотди муносабатларидан иборат бўлиб, у меҳнат шароитлари ва унга ҳак тўлаш миқдорлари, ишчиларнинг малака даражаси, улар томонидан баҳарилаётган ишларнинг ҳажми, интенсивлиги ва маъсулият даражаси бўйича таркиб топувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларидан иборат мураккаб тизимни намоён этади. Бунда энг муҳим жиҳат, ишчи кучи ва меҳнат категорияларининг алоҳида категория эканлигини, яъни ишчи кучи – бу инсоннинг меҳнатга бўлган аклий ва жисмоний қобилияtlарининг йигиндиси эканлиги, бозор муносабатлари шароитида унинг товарга айланиши мумкинлиги, бошқа товарлар каби у ҳам икки хил хусусиятга, яъни қиймат ва нафлийликка эга эканлигини, меҳнат эса ишчи кучининг маълум мақсадга

қаратилган фаолияти жараёни бўлиб, у товар бўла олмаслигини, хеч қаочон бозорда ушбу жараённи сотиб олиб ҳам, сотиб ҳам бўлмаслигини назардан кочирмаслик зарурдир.

Ишчи кучига талаб – бу иш ҳакининг муайян даражаси ҳамда ишга ёллашнинг муайян шартларида иктисодиёт соҳалари ва корхоналардаги мавжуд иш жойларида ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг пулдаги ифодасидир. Бошқача килиб айтганда, ишчи кучига белгиланган даражада иш ҳаки тўлаб ишга ёллашга кодир бўлган эҳтиёждир. Бу ўринда ишчи кучига умумий талаб ва қўшимча талабни фарқлаш жуда катта назарий-услубий ва амалий аҳамият касб этади. Ишчи кучига умумий талаб миллий иктиносидёт ва хорижий мамлакатлар томонидан мавжуд ва янгидан яратилган барча (ишчи кучи билан банд бўлган ва банд бўлмаган) иш ўринларида ишчи кучига бўлган эҳтиёжни намоён этади. Ишчи кучига қўшимча талаб эса муайян даврда ишчи кучига умумий талабнинг иш билан банд бўлгандан ортиқча кисми бўлиб, ўз ичига янгидан яратилган иш ўринлари, турли сабабларга кўра бўшаган иш ўринлари, миллий иктиносидётдаги ишчи кучи учун хорижий мамлакатларда халқаро меҳнат шартномалари орқали ишчи кучи ёллаш бўйича белгиланган квоталарни олади.

Ишчи кучига талабнинг ушбу кўринишларини микдоран куйидаги формулалар орқали ифодалаш мумкин:

$$УТБ_{ик} = Б_{ик} + КТБ_{ик}; \quad (1)$$

$$КТБ_{ик} = \sum_{i=1}^n Я_i + \sum_{j=1}^m H_j + XK, \quad (2)^6$$

бу ерда:

$УТБ_{ик}$  – ишчи кучига умумий талаб;

$Б_{ик}$  – умумий талабнинг иш билан банд бўлган кисми;

$КТБ_{ик}$  – жорий даврда ишчи кучига қўшимча талаб;

$Я_i$  – жорий даврда  $i$ -соҳада янгидан яратилган иш ўринлари сони;

$H_j$  – жорий даврда  $j$ -йуналиш бўйича ишчи кучи таркибидан чиқарилганлар сони;

$XK$  – жорий даврда хорижий мамлакатларда халқаро меҳнат шартномалари орқали ишчи кучи ёллаш бўйича белгиланган квоталар.

Ишчи кучига бўлган талабга пировард истеъмол товарлари бозоридаги талаб ва таклиф нисбати ҳам таъсир этади. Чунки, оддий товарлардан фарқли равишда ишчи кучи товари пировард истеъмолни кондириш учун эмас, балки бирон-бир маҳсулотни ишлаб чиқариб (ёки бирон турдаги хизмат қўрсатиб), ундан фойда кўриш учун сотиб олинади (ёлланади). Демак, ишчи кучига бўлган талаб харидорларнинг пировард истеъмол товарларга бўлган талабига, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиялари ўзгаришига сезгирилик билан муносабатда бўлади.

Ишчи кучи таклифи – бу иш ҳакининг муайян даражаси ҳамда ишга ёллашнинг муайян шарт-шароитларида меҳнатга лаёқатли ишчи кучининг ўз касби, маҳорати ва бошқа хусусиятларига мос равишда ишлашга эҳтиёжидир. У ишчи кучининг демографик ва касб тайёргарлиги хусусиятларига боғлик бўлиб, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида уни сотиш (айирбошлаш) ҳолати орқали намоён бўлади.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиққолди.

Ишчи кучига талаб сингари унинг таклифи ҳам умумий ёки қўшимча таклиф сифатида амал қилиши мумкин. Агар умумий таклиф мамлакатдаги жами (шу даврга қадар иш билан таъминланган ва ҳали иш билан таъминланмаган) ишчи кучини ўз ичига олса, ишчи кучи қўшимча таклифи эса умумий таклифнинг шу даврга қадар иш билан таъминланганлардан ортикча қисмини намоён этиб, жорий даврда ишчи кучи бозорига янгидан кириб келганлар, иктисодиётдаги таркибий ва фрикцион ўзгаришлар туфайли янги иш кидираётганлар, хорижий мамлакатлар фукаролари учун халқаро меҳнат шартномалари орқали ишчи кучи ёллаш бўйича белгиланган миллий квоталарни ўз ичига олади. Ишчи кучи таклифининг ушбу кўринишларини микдоран кўйидаги формулалар орқали ифодалаш мумкин:

$$УТФ_{ик} = T_{ик} + КТФ_{ик}; \quad (3)$$

$$КТФ_{ик} = \sum_{i=1}^n B_i + \sum_{j=1}^m T_j + \sum_{k=1}^p \Phi_k + MК, \quad (4)^7$$

бу ерда:

$УТФ_{ик}$  – ишчи кучи умумий таклифи;

$T_{ик}$  – умумий таклифининг шу даврга қадар иш билан таъминланган қисми;

$КТФ_{ик}$  – ишчи кучи қўшимча таклифи;

Б – жорий даврда ишчи кучи бозорига таълимнинг  $i$ -соҳаларидан янгидан кириб келган мутахассислар (таълим муассасалари битирувчилари) сони;

$T_j$  – жорий даврда иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар туфайли  $j$ -йўналишларда янги иш кидираётганлар сони;

$\Phi_k$  – жорий даврда иктисодиётдаги фрикцион ўзгаришлар туфайли  $k$ -йўналишларда янги иш кидираётганлар сони;

$MК$  – жорий даврда хорижий мамлакатлар фукаролари учун халқаро меҳнат шартномалари орқали ишчи кучи ёллаш бўйича белгиланган миллий квоталар.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда ишчи кучи бозоридаги мувозанатликни таъминлашга назарий жиҳатдан ёндашувларда ҳам, амалиётда ҳам асосий эътибор ишчи кучига қўшимча талаб ва унинг қўшимча таклифини ўзаро мувофиклаштиришга қаратилмоқда. Яъни, фақатгина ишчи кучининг банд бўлмаган қисмини ишга жойлаштириш муаммо ва чораларини излаш билан чекланиб қолинмоқда. Иш билан банд бўлғанларнинг ўз билими, малакаси, ихтисослиги, ёши ва бошқа қўплаб сифат белгилари бўйича ўз иш ўринларига қанчалик мувофиқ келиши масаласи назардан четда колмоқда. Ваҳоланки, ишчи кучи талаби ва таклифи ўргасидаги мувозанатга эришиш ўта мураккаб жараён хисобланиб, уни таъминлаш учун ишчи кучининг барча асосий жиҳат ва фаолият йўналишлари, масалан, ишчи кучи микдори, сифати (малака, қўнишка, касб тури, ёши ва бошқа жиҳатлари), тармоқ ва худудлар бўйича характеристика бўлиши, яъни биридан иккинчисига ўтиб, силжиб туриши хисобга олинниши зарур.

Ишчи кучига талаб ва унинг таклифи бошқа товарлар талаб ва таклифига кўп жиҳатлари бўйича ўҳшаса-да, бирок айрим ҳолларда ўзига хос хусусият касб этади. Ушбу фарқли жиҳатларни алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқиди.

**Ишчи кучи талаби ва таклифининг бошқа товарларга бўлган талаб ва  
таклифдан фарқли жиҳатлари<sup>8</sup>**

Талабга таъсир этувчи омиллар	Ишчи кучига талаб	Таклифга таъсир этувчи омиллар	Ишчи кучи таклифи
Товар нархи	Ишчи кучи бозорида ишчи кучининг “нархи” иш ҳаки кўринишсида намоён бўлади, бирор аксарият ҳолларда унинг давлат томонидан тартибга солинчи бозор мувозанатини таъминлашдаги ролини чеклаб кўяди	Товар нархи	Иш ҳаки даражасининг давлат томонидан тартибга солиниши ишчи кучи таклифига таъсирини пасайтириб, бозор мувозанатини таъминлашдаги ролини чеклаб кўяди.
Истемолчанинг диди	Айрим (тор мутахассислик ва малака такозо этувчи) ишларни хисобга олмагандан, оммавий равишдаги ишчи кучига талабга ушбу омилнинг таъсири сезиларли бўлмайди	Ресурслар нархи	Ишчи кучини тақорор ҳосил килишда асосий ресурс истемол товарларидан иборат бўлиб, улар нархининг ўзгариши киска муддатли даврда ишчи кучи таклифига у қадар аҳамиятли таъсир кўрсатмайди.
Бозордаги истемолчилик сони	Бир томондан, янги хўжалик юритувчи корхоналарининг ташкил этилиши, иккенчи томондан, уларда янги иш ўринларининг очилиши кўринишсида талабга таъсир кўрсатади	Ишлаб чикариш технологияси	Ишлаб чикариш технологиясининг тақомиллашуви ишчи кучи таклифига киска муддатли даврда сезиларли таъсир кўрсатмайди, бирор ўрга ва узоқ муддатли даврда унга аҳамиятли таъсир кўрсатади.
Истемолчининг даромадлари	Иш берувчилар даромадлари ошишига қарамай, агар улардаги иш ҳажми ошмаса, талабга сезиларли таъсир кўрсатмайди	Солик ва субсидиялар	Иш ҳакидан тўланадиган даромад солиқлари ҳамда турли трансферт тўловларининг давлат томонидан тартибга солиниши ишчи кучи таклифига аҳамиятли таъсир кўрсатмайди.
Бир-бирига боғлиқ товарлар нархи	Ишчи кучининг ўринбосар товарлари ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарлари унинг талабига сезиларли таъсир кўрсатмайди	Бошқа товарлар нархи	Ишчи кучи таклифининг бошқа товарлар нархларининг ўзгаришига боғлиқлиги у қадар аҳамиятли бўлмайди.
Келажакда нарх ва даромадлар нинг ўзгариши эҳтимоли	Мослашув ишлаб чикариш кувватларини ўзгаришини таъсиз этишиб сабабли талабга сезиларли таъсир кўрсатмайди	Нарх ўзгаришини нг кутилиши	Иш ҳакининг келгуси даврда ўзгаришининг кутилиши унинг жорий даврдаги таклифига деярли таъсир кўрсатмайди.
		Бозордаги сотувчилар сони	Мазкур тавсифдаги омиллар бўйича ишчи кучи таклифи нисбатан баркарор хисобланади.

Ушбу тадқиқот доирасида иктисадиётни модернизациялаш жараёнларининг ишчи кучи талаби ва таклифига таъсирини кўриб чикиш ва аниклаш

<sup>8</sup> Муаллиф ишланималари асосида тузилган.

мұхим ақамият касб этади. Тадқықтлар шуни күрсатады, иқтисодиётни модернизациялашнинг тармоқ ва соҳаларда ишчи кучига бўлған талабнинг ўзгаришига таъсири қўйидаги йўналишларда амалга ошиши мумкин:

1) модернизациялаш туфайли иқтисодиётда мутлақо янги ишлаб чиқариш йўналиши ёки тармоқнинг пайдо бўлиши ва бунинг натижасида янги касбдаги ишчи кучига талабнинг пайдо бўлиши;

2) тармоқ ишлаб чиқаришига янги замонавий техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобига ундаги ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши;

3) тармоқ ёки соҳа ишлаб чиқаришининг техник жиҳатдан такомиллаштирилиши натижасида унинг меҳнат сифимининг ишчи кучи сонининг қискариши;

4) тармоқ ишлаб чиқаришда умуман янги йўналиш ва мазмундаги технологияларнинг пайдо бўлиши натижасида эски ишлаб чиқаришининг қискариши ёки умуман барҳам толиши ва ҳ.к.

Ушбу жараёнлар турли шароитларда ишчи кучи талаби ва таклифига турлича таъсир кўрсатиб, уларнинг бошқа шароитлар тент бўлганда умумий ўзгаришларини кўйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

### **Иқтисодиётни модернизациялашнинг ишчи кучи талаби ва таклифига таъсири<sup>9</sup>**

Модернизациялаш натижасидаги ўзгаришлар йўналишлари	Ўзгаришларнинг	
	ишчи кучи талабига таъсири	ишчи кучи таклифига таъсири
Иқтисодиётда мутлақо янги ишлаб чиқариш ёки тармоқнинг пайдо бўлиши	Янги ихтисослик (малака)даги ишчи кучига талабнинг пайдо бўлиши ва ўсиши	Ишчи кучи бир қисмининг янги ишлаб чиқаришга ўтиши натижасида таклиф тузилмасидаги силжишларнинг рўй бериши
Тармоқ ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши	Муайян ихтисослик (малака)даги ишчи кучига талабнинг ўсиши	Муайян ихтисослик (малака)даги ишчи кучи таклифининг кенгайиши
Тармоқ ишлаб чиқариши мөхнат сифимининг қискариши	Муайян ихтисослик (малака)даги ишчи кучига талабнинг камайиши	Ишчи кучи ихтисослиги (малака си)ни ўзгартириши оқибатида таклиф тузилмасидаги силжишларнинг рўй бериши
Эски ишлаб чиқаришининг қискариши ёки умуман барҳам толиши	Муайян ихтисослик (малака)даги ишчи кучига талабнинг кескин қискариш ёки умуман йўқолиши	Муайян ихтисослик (малака)даги ишчи кучи таклифининг қискариб, бошқа ихтисослик (малака)даги ишчи кучи таклифининг кенгайиши

Юқоридагилардан кўринадики, ишчи кучи талаби ва таклифи шаклланиши ўта мураккаб жараён бўлиб, унга турли омиллар қаторида иқтисодиётни модернизациялаш ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш жараёни жадаллашиб бориши билан ишчи кучи бозоридаги рақобат кучайиб бормоқда. Жамиятнинг ўқимишли, янгича фикрлайдиган, малакали мутахассисларга эҳтиёжи тобора

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

ортиб бормоқда Замонавий янги талаблар етарлича билим, малака ва кўнинкамаларга эга бўлмаган ёшларнинг ишчи кучи бозоридаги имкониятларини чегаралаб, ёшлар ишсизлиги даражасининг ошишига ҳамда уларнинг ижтимоий носоғлом мухитта якинлашишига сабаб бўлади. Республикализнинг ўзига хос ижтимоий-демографик тузилиши туғилишнинг юкори даражасига, қишлоқ аҳолисининг кўплигига, ишчи кучи ресурсларининг тез суръатлар билан ўсиб боришига, улар меҳнатидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашувини талаб этади.

2005-2011 йилларда модернизациялаш жараёнларининг жадаллашуви ва ялпи тус олиши янги иш ўринлари ташкил этилишининг кўпайишига олиб келди. Умумий ҳолда 2011 йилда модернизациялаш натижасида 956,2 минг нафар янги иш ўринлари яратилди. Бироқ, айни пайтда ушбу жараёнларининг жадаллашуви эскирган ва истиқболсиз ишлаб чиқаришларнинг янада кўпроқ кисқартирилишига олиб келиб, уларда банд бўлганлар ўз ишчи кучларини бозорда янгидан таклиф қилдилар. 2005-2011 йилларда ишчи кучига талаб ва унинг таклифи нисбати 1:1,62 ни ташкил этди ва мамлакатдаги умумий ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатга жиддий таъсири кўрсатди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг ишчи кучи бозоридаги мувозанатга таъсири, минг нафар<sup>10</sup>

Йил	Ишчи кучига кўшимча талаб	Ишчи кучи кўшимча таклифи	Бозор мувозанатидан четланиш	Модернизациялашнинг мувозанатта таъсири
			+;-	%
2005	520	547,7	178,2	134,3
2006	570	595,5	521,9	191,6
2007	630	1193,8	465	173,8
2008	660,9	1228,6	507,4	176,8
2009	940,5	1572	299	131,8
2010	950	1578,2	363,7	138,3
2011	956,2	1578,6	622,4	165,1

Жадвалдан кўринадики, мамлакатимизда модернизациялаш жараёнларининг ишчи кучи бозоридаги мувозанатга таъсири турли йилларда турлича бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майда қабул килинган “Ишга жойлаштиришга мухтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини хисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сонли қарорининг амал қилиши натижасида ишсизларни хисобга олиш тизими янада такомиллаштирилган ҳолда ишчи кучи таклифининг ошиб боришини кузатишимиш мумкин. Агар, таҳлил даврининг дастлабки даври – 2005 йилда модернизациялаш жараёнлари нисбатан энди бошланган палласида кўплаб иш ўринларининг кисқариши, бунга жавобан янги

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўхинати маълумотларни асосида муаллиф томонидан тузилган.

иш ўринларининг яратилмаслиги ишчи кучи бозори мувозанатига салбий таъсир кўрсатган бўлса, кейинги 2007-2011 йилларда янги иш ўринларининг устун равишда яратилиши ижобий таъсирга сабаб бўлди.

Бироқ, кейинги 2007-2011 йилларда модернизациялаш натижасида кисқартирилган иш ўринлари сонининг янгидан яратилганинг нисбатан кўпроқ бўлиши унинг бозор мувозанатига таъсирининг салбий тавсиф касб этишига олиб келди.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар асосида хуоса килиш мумкинки, модернизациялаш жараёнининг ишчи кучига талаб ва унинг таклифи мувозанатига таъсирини мақсадга мувоғиқ тартибга солиш мухим аҳамият касб этиб, бу борада қўйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

- иктисодиётнинг тармоқ ва соҳалари, уларнинг таркибидаги корхоналарни модернизациялаш дастурларини ишлаб чиқишида ишчи кучи бозоридаги мавжуд мувозанат ҳамда унга модернизациялаш жараёнлари кўрсатиши мумкин бўлган таъсирларни олдиндан баҳолаш;

- модернизациялаш жараёнлари амалга оширилаётган ҳар бир обьект (тармоқ, соҳа, корхона ва ҳ.к.)да эски техника ва технологияларни, асбоб-ускуналарни чиқариш, истиқболсиз ишлаб чиқаришларни тутатиш оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган ишсизларни янгидан банд килишини таъминловчи янги иш ўринларини мутаносиб ҳолда яратиб бориш;

- модернизациялаш жараёнларининг узоқ муддатли истиқболдаги режаларини олдиндан ишлаб чиқиб, янги иш ўринлари билан таъминлаш имкони бўлмаган мутахассис ва ходимларни иктисодиётдаги эҳтиёж мавжуд бўлган тармоқ ва соҳалар бўйича малака ва мутахассисликка олдиндан қайта тайёрлаб бориш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Иктисодиётда иш ҳақини белгилашнинг устун равишда бозор механизмлари орқали амалга оширилиши меҳнат унумдорлигининг ўсишини рағбатлантиради. Ишчи кучи бозоридаги мувозанат нархни ифодаловчи иш ҳақи даражаси ошганда таклиф талабга нисбатан кескин равишда кўпайиб, агар тегишли чоралар кўрилмаса, ишсизликнинг ортишига олиб келади. Иш ҳақи даражасининг пасайиши натижасида ишчи кучига талабнинг таклиф миқдоридан ортда қолиши кузатилиб, иш ҳақининг нисбатан паст даражасида ишлашга рози бўлган ходимлар сонининг камлиги сабабли иш ўринлари ортиқчалиги юзага келади.

Иш ҳақи миқдори факат ишчи кучи талаби ва таъсифининг ўзгариб туришига эмас, балки меҳнатнинг сифати, ходимлар малакаси ва касбий маҳоратига ҳам боғлиқ бўллади. Меҳнатнинг турли кўринишлари инсонни турли даражада ўзига тортади, касбий таълим учун турли сарфларни талаб қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам иш ҳақи нуфузи камроқ иш турларини бажариш ёки таълим учун моддий сарфларни компенсациялашни тартибга солишда кенгрок фойдаланилади.

Ишчи кучи талаби ва таклифи мувозанати таъминланган ҳолатда иктисодиётда мавжуд барча ишчи кучи ресурсларининг самарали бандлиги таъминланади ва мавжуд барча иш жойларининг ишчи кучига бўлган эҳтиёжлари ҳам тўла қондирилади. Лекин бундай мувозанат идеал ҳолат бўлиб,

факат назарий жиҳатдан амалга оширилиши мумкин. Ишчи кучи талаби ва таклифи мувозанатини таъминлаш жараёнларини мураккаблаштирувчи бир қатор қуидаги муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- аҳоли сонининг доимий ўсиши хисобига ишчи кучи сонининг мунтазам кўпайиб бориши;
- ишсизлар орасида муайян касб ёки маълумотга эга бўлмаганларнинг мавжудлиги, оқибатда уларнинг ракобатга бардош бера олмаслиги;
- ишсизларнинг бандликка кўмаклашувчи марказлардан рўйхатдан ўтмаслик холатининг мавжудлиги;
- корхона ва фирмаларнинг касодга учраши натижасида ишсизларнинг кўпайиши;
- кишлоқ жойларда ишсизларнинг кўплиги ва саноатнинг турли сабабларга кўра кишлоқ жойларига кириб боришининг секинлиги;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида чет эллардаги эммигрантларнинг мамлакатга кайтиб келиши.

Бу каби муаммоларни ҳал этиш ва ишчи кучи бозоридаги мувозанатни таъминлашда бандликка кўмаклашувчи марказларнинг фаолияти мухим ўрин тутади. Бу борада Ўзбекистон Республикасидаги бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини кўрадиган бўлсак, агар 2002 йилда мазкур марказларда иш кидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар сони 448,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 661,4 минг кишини ташкил этган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси бандликка кўмаклашувчи марказлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари<sup>11</sup>

Йиллар	Иш кидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар, минг киши	Ишга жойлашганлар, минг киши	Ишга жойлашганларнинг рўйхатдан ўтганлар сонидаги улуши, %	Ишга жойлашманганлар сони, минг киши
2002	448,2	322,2	71,9	34,8
2003	430,5	317,4	73,7	32,2
2004	425,0	323,7	76,2	34,8
2005	410,3	325,1	79,2	27,7
2006	561,9	460,2	81,9	25,5
2007	557,4	486,5	87,3	23,2
2008	623,3	546,6	87,7	16,9
2009	658,2	566,3	86,0	20,1
2010	671,6	595,6	88,7	16,2
2011	661,4	595,7	90,1	-
2011 йилда 2002 йилга нисбатан %	147,6	184,9	125,3	-

Шу давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказлардан иш кидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар сони 47,6 фоизга ошганлиги ахолининг бозор

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

иқтисодиётiga ўтиш шароитига меҳнатга бўлган муносабатининг ўзгарганлигидан дарак беради. Агар 2002 йилда республикада бандликка кўмаклашувчи марказларидан рўйхатдан ўтиб ишга жойлашганлар сони 322,2 минг киши (71,9 фоиз)ни ташкил килган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 595,7 минг киши (90,1 фоиз)га етди. 2002-2011 йилларда бандликка кўмаклашувчи марказлар учун давлат томонидан берилган қатор имтиёзлар натижасида уларнинг фаолият самарадорлиги ошиб, умумий ишга жойлашганларнинг рўйхатдан ўтганлар сонидаги улуши 25,3 фоизга кўпайди.

Шу ўринда, иш қидирувчи сифатида факат расмий равишда рўйхатдан ўтганларга ишчи кучи бозоридаги таклиф сифатида қаралиши услубий жихатдан тўғри эмаслигини таъкидлаш лозим. Чунки, ҳалқимизнинг менталитетига кўра ҳамма ҳам ишсизман деб идорама-идора югуриб юришни ўзига лозим топмайди.

Зеро, ишчи кучи таклифи иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтган ва ўтмаганларни ҳам ўз ичига олиб, миқдорига кўра иш қидирувчи сифатида расмий рўйхатдан ўтганлар сонидан анча катта бўлади. Жорий даврда ўз мутахассислик ва қизиқишлиярига мувофиқ келувчи ишнинг топилиши ишчи кучи аксарият қисмининг рўйхатдан ўтиши учун эҳтиёж қолдирмайди. Шунга кўра, Ўзбекистонда 2005-2011 йилларда ишчи кучи кўшимча таклифини куйидаги қисмлар йигиндиси сифатида ифодалаш мақсадга мувофиқдир (5-жадвал).

#### 5-жадвал


#### Ўзбекистонда ишчи кучига кўшимча талаб ва унинг кўшимча таклифи, минг киши<sup>12</sup>

Кўрсаткич	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Ишчи кучига кўшимча талаб	520	570	630	660,9	940,5	950	956,2
Ишчи кучи кўшимча таклифи	547,7	595,5	1193,8	1228,6	1572	1578,2	1578,6
шу жумладан:							
Иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар	410,3	561,9	557,4	623,3	658,2	671,6	661,4
Иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтмаганлар	137,4	33,6	636,4	605,3	913,8	906,6	917,2
Ишчи кучига кўшимча талаб ва унинг кўшимча таклифи ўртаси- даги тафовут (ишсизлар сони)	27,7	25,5	563,8	567,7	631,5	628,2	622,4

Жадвалдан кўринадики, ўрганилаётган даврда ишчи кучига талаб миқдори кўпайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бирок, ишчи кучи таклифи талабга қараганда юкорироқ суръатларда ошиб бормоқда. Таклиф таркибидаги иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар сони нисбатан бир маромда ошиб борса, ўз ишчи кучини рўйхатдан ўтмасдан таклиф қилувчиларда ўсиш суръатларидағи кескин ўзгаришлар кўзга ташланади. Бу, бир томондан, мамлакатимизда ишсизликни хисоблашнинг ҳалқаро услубиётига ўтилиши билан ҳам изоҳланади.

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан Давлат статистика кўмитаси мазъумотларни асосида ишлаб чиқилди.

Тадқиқотлар шуни күрсатады, ишчи кучи бозорини мувозанатлаштиришга асосан иккى томонлама ёндашиш мумкин: 1) ишчи кучига бўлган талабни ошириш; 2) ишчи кучига бўлган талабга ишчи кучи тақлифини мувофиқлаштириш (1-расм).




**1-расм. Ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифни мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари<sup>13</sup>**

Ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифни мувозанатлаштиришнинг юкорида кўрсатиб ўтилган йўналишларини амалга ошириш учун қатор муҳим чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқдир (2-расм).

Белгиланган ушбу чора-тадбирлар таркибида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, касбий тайёргарлик тизимини такомиллаштириш ва ишчи кучи сифатини ошириш, касбий таълим олиш ва қайта ўкиш учун стипендиялар белгилаш каби таълим соҳаси билан боғлик масалалар ҳам етакчи ўрин тутади. Зоро, иктисолидётни модернизациялаш жараёнида янги техника ва янги талабларнинг вужудга келиши билан унга тез мослаша оладиган мутахассислар етиштирувчи таълимнинг тез мослашувчан тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу бошланғич таълим, умумий таълим, ўрта маҳсус таълими, олий таълим ҳамда ишчи кучи бозорида ишсизларнинг иш ўринларини эгалашлари учун касбга қайта тайёрлаш таълимига тегишилдири. Ишсиз қолиши эҳтимоли кутилаётганлар бўш иш ўринлари мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича малака ошириш ва касбга қайта тайёрлаш тизими орқали мазкур муаммони осон ҳал этишлари мумкин.

<sup>13</sup> Муалиф томонидан ишлаб чиққалди

**Ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни  
мувозанатлаштиришни таъминлашда амалга оширилиши  
лозим бўлган чора-тадбирлар**



**2-расм. Ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни  
мувозанатлаштиришни таъминлаш чора-тадбирлари<sup>14</sup>**

Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг дастлабки натижалари 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро конференцияда ҳам эътироф этилиб, хусусан, таълим соҳасида, ҳам ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар, ҳам замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўргасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарурлиги, ҳар бир коллежнинг малакали ишчи кучи буюртмачилари бўлган муайян корхоналар билан яқин алокали йўлга қўйгани келажакда таълим муассасалари битирувчилари меҳнат қиласидаги корхоналарнинг эҳтиёжларини аниқлаш имконини бериши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, таълим тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг ўрга маҳсус, касб-хунар таълими тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларининг муайян корхоналар билан яқин алокаларини йўлга қўйиш борасидаги тажрибасини ҳисобга олиш; ёшларнинг ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишини, халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишини

<sup>14</sup> Муалиф томонидан ишлаб чиқилди

таяминлаш имконини берувчи ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўргатиши кенгайтириш тавсия этилди<sup>15</sup>. Ўзбекистон Республикасида олий ва ўрта маҳсус мальмутотига эга мутахассисларни талабга қўра тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш олий ўкув юртлари ва касб-хунар коллежлари билан корхона (ташкилот)лар ўртасида ҳамкорликни ташкил этишини тақозо этади, бу ҳамкорлик қўйидаги шаклларда йўлга қўйилиши мумкин:

- 1) мутахассисларни худудий талабни ҳисобга олган ҳолда корхоналар буюртмаси асосида тайёрлаш;
- 2) мутахассисларнинг таълим олиш жараёнида амалиёт билан алоқасини таяминлаш;
- 3) буюртма бўйича тайёрланган мутахассисларни тўлиқ иш жойи билан таяминлаш.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа вазифаларнинг бажарилиши натижасида мутахассисларнинг истеъмолчиси аниқ бўлиб, иш ўрни кафолатланади ва уларнинг касбий тайёргарлик сифатини ошириш имконияти яратилади.

## ХУЛОСА

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатликни таяминлаш жараёнларини тадқиқ этиш натижасида қўйидаги хулосалар асосланди:

- ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатлик иқтисодиёт барча тармокларининг барқарор ривожланишини таяминлаш билан бирга ахоли даромадларининг ошиши ва турмуш даражасининг яхшиланишига замин яратади;
- мазкур муаммонинг амалий жиҳатдан самарали ҳал қилинишини таяминлаш учун унинг назарий жиҳатларини тўғри тушуниш асосида барча фикр, имконият ва куч-куvvatларни йўналтириш зарур. Бунда “мехнат” ҳамда у билан боғлиқ бир катор тушунчалар (масалан, меҳнат бозори, меҳнатга талаб ва унинг таклифи, меҳнат ресурслари, ахоли бандлиги ва ҳ.к.лар)нинг кўлланиши тўғри эмаслиги асосланиб, асосий мақсадни ишчи кучи ва у билан боғлиқ тушунчалар (ишчи кучи бозори, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, ишчи кучи ресурслари, ишчи кучи бандлиги ва ҳ.к.)нинг илмий ва амалий мувомалада самарали кўлланилиши мақсадга мувофиқдир деган хулосага келинди;

- ишчи кучига талаб ва унинг таклифининг умумий ва қўшимча микдорлари ўзаро фарқланади. Шунга қўра, ишчи кучи бозоридаги мувозанатни тўғри аниклаш ва таяминлашда фақаттина бутунги кун амалиётига кириб келаётган қўшимча талаб ва қўшимча таклиф ўртасидаги микдорий мувофиқликка эмас, шу билан бирга умумий талаб ва умумий таклиф ўртасидаги микдор ва сифат (малака, кўникма, касб тури, ёш, жинс ва бошқа жиҳатлари), тармок ва ҳудудлар бўйича мансублиги жиҳатидан мувофиқликка эътибор қаратиш зарур;

<sup>15</sup> “Юқасак билимни ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараккий эттириши ва модернизация юлидлигин энг муҳим шарти” маалумидаги ҳалқаро конференциясининг якуний ҳуқояти – резолюцияси // “Ҳалқ сўзи” газетаси. 2012 йил февраль.

- ишчи кучи товарига бўлган талаб ва таклиф шаклланиши ўзига хос хусусиятлар касб этиб, улар кўплаб жиҳатлари бўйича бошқа товарларга бўлган талаб ва таклифдан фарқ қиласди;

- иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг ишчи кучи талаби ва таклифига таъсири турли йўналишларда намоён бўлиб, бунинг натижасида мазкур жараёнларнинг ишчи кучи бозори мувозанатига таъсири ҳам турлича бўлиши мумкин;

- ишчи кучи бозоридаги мувозанатни таъминлашда ишчи кучига талаб ва таклифнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзаро мувофиқлигига эътибор қартиш мухим хисобланади. Ҳолбуки, ишчи кучи таклифи унга талабдан миқдор жиҳатдан ортиқча бўлса-да, иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида замонавий билим ва малакаларни тақозо этувчи иш ўринларининг уларга мос келувчи ишчи кучи билан таъминланиши муаммога айланмоқда. Шунга кўра, ҳозирда таълим тизимини янада тақомиллаштириш ва талабаларни амалиёт билан назарияни боғлаб ўқитиш тизимини тақомиллаштириш зарурати янада кучаймоқда. Бандликка кўмаклашувчи марказларидан рўйхатдан ўтганларни мавжуд иш жойларига мос равишда ўқитиш ва қайта ўқитиш тизимини тақомиллаштириш ва рағбатлантириш лозим;

- иш ҳаки ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатликни таъминлашга таъсир кўрсатади, бироқ ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги ва самарали бандлигини таъминлай олмайди. Шунга кўра, ишчи кучига талаб ва унинг таклифини мувозанатлаштириш факат иш ҳақига боғлиқ бўлмай, бу борада иқтисодиётнинг бошқа иш ўринларини яратувчи соҳаларини, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ хисобланади;

- Ўзбекистон аҳолисининг демографик тузилишида ёшлар салмоғининг кўплиги кейинги йилларда Республика ишчи кучи бозорида таклифнинг янада кўпайишидан далолат беради. Ҳар йили ишчи кучи бозорига кўплаб ёш мутахассисларнинг кириб келиши натижасида ишчи кучи таклифи доимий ўсиб бориш хусусиятига эга бўлиб, у ишчи кучига талабдан доимий равишда ортиқча бўлади;

- ҳозирги шароитда кўшимича иш ўринларини яратиш билан бир қаторда мавжуд иш ўринларини қайтадан реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш самаралироқ ва кам маблағ талаб қиласди. Шунинг учун ҳам Республикаизда мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган ҳамда банкротлик ёқасида турган корхона ва фирмаларни реконструкция қилиш ва модернизациялаш, бунда уларнинг ўз фаолиятларини қайтадан йўлга кўйишларини молиявий кўллаб-куvvatлаш лозим.

Ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштириш бўйича куйидаги илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларини мақсадга мувофиқ йўналитириш орқали замонавий билимга эга бўлган ва малакали ишчи кучига талабни ошириш лозим;

- мамлакатдаги ишчи кучи ресурсларининг худудлар бўйича эркин ҳаракатига шарт-шароит яратиш орқали ишчи кучи нисбатан ортиқча бўлган

худудлардан ишчи кучига талаб юкори бўлган, саноати тез ривожланаётган худудларга кўчишини таъминлаш;

- иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари, уларнинг таркибидағи корхоналарни модернизациялаш дастурларини ишлаб чиқишида ишчи кучи бозоридаги мавжуд мувозанат ҳамда унга модернизациялаш жараёнлари кўрсатиши мумкин бўлган таъсиirlарни олдиндан баҳолаш ва шунга мос равишда модернизациялаш таъсирида вужудга келган ишсизларни шу соҳада хизмат кўрсатишида банд килиш;

- модернизациялаш жараёнлари амалга оширилаётган ҳар бир обьект (тармоқ, соҳа, корхона ва ҳ.к.)да эски техника ва технологияларнинг, асбоб-ускуналарнинг қўлланилишини тўхтатиш, истиқболсиз ишлаб чиқаришларни тугатиш оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган ишсизларни янгидан банд бўлишини таъминловчи янги иш ўринларини мутаносиб ҳолда яратиб бориши;

- модернизациялаш жараёнларининг узқ муддатли истиқболдаги режаларини олдиндан ишлаб чиқиб, янги иш ўринлари билан таъминлаш имкони бўлмаган мутахассис ва ходимларни иқтисодиётдаги эҳтиёж мавжуд бўлган тармоқ ва соҳалар бўйича малака ва мутахассисликка олдиндан қайта тайёрлаб бориши чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ жойларида ийрик ва кичик саноат корхоналари билан касаначиликни кенгайтириш асосида кооперацияни ривожлантириш имкониятларидан кенг фойдаланишини йўлга кўйинш;

- хорижий сармояларни жалб қилиш ва кўшма корхоналарни ташкил қилиш мақсадида макроиқтисодий шароитларни яхшилашга эътибор бериш ва уларни кўпроқ қишлоқ жойларга ва аҳолиси зич жойлашган худудларга йўналтириш;

- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи таълим муассасалари томонидан меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказилишини таъминлаш ҳамда талабаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лозим.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Мамарахимов Б.Э. Ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг молиявий омиллари // Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани маъruzalar тўплами. – Тошкент, 2007. – Б. 148-151.

2. Мамарахимов Б.Э. Ишчи кучи бозорида талаб ва таклиф ва уни мувозанатлаштиришнинг аҳамияти. // Иқтисод ва таълим журнали – Тошкент, 2008, № 3. – Б. 18-21.

3. Мамарахимов Б.Э. Ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатликка таъсир этувчи омиллар. // Иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари. Республика илмий-амалий анжумани маъruzalar тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 74-76.

4. Мамарахимов Б.Э. Республикамизда интеграция жараёнида ишсизликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар. // Социально-экономические

проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики. – Москва, 2008. – Б. 315-316.

5. Мамарахимов Б.Э. Ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари. // Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуклар, муаммолар ва ривожланиши истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. Тошкент, 2008. – Б. 61-62.

6. Шодмонов Ш., Минаварова Г., Мамарахимов Б. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан химояланиш. // Жамият ва бошқарув – Тошкент, 2009. З-сон. – Б. 80-82.

7. Мамарахимов Б., Гаппов О. Жаҳон иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ жойларида ишсизликни бартараф этишининг асосий йўналишлари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – Тошкент, 2009, № 6. – Б. 27.

8. Мамарахимов Б.Э. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида янги иш жойларини яратиш ахоли бандлигини таъминлашнинг омили сифатида. // Иқтисод ва таълим. – Тошкент, 2009, № 4. – Б. 24-27.

9. Мамарахимов Б.Э. Спрос и предложение на рынке рабочих сил. // Социально-экологические проблемы развития интеграционных процессов в условиях глобализации экономики. Сборник научных трудов. – Москва, 2009. – С. 177-178.

10. Мамарахимов Б.Э. Ишчи кучига бўлган талабни оширишнинг иқтисодий ўсишга таъсири. // Миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий ўсишининг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири. Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2009. – Б. 184-186.

11. Мамарахимов Б.Э. Инқироздан чиқиши шароитида ишчи кучига бўлган талабни ошириш чоралари. // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2010. – Б. 196-197.

12. Мамарахимов Б.Э. Демократик бозор ислоҳотларини чукурлаштириш – янги иш жойларини яратишнинг асоси. // Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – ёш олимлар илмий тадқиқотларини юксалтириш асоси. Республика назарий, илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2011. – Б. 264-265.

13. Мамарахимов Б.Э., Тўхтабоева Д.Х. Ишчи кучи таклифи барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш омили сифатида. // Иқтисодиётда барқарор ўзиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблигни таъминлашнинг асосий йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани маъзуза тезислари тўплами. – Тошкент, 2011. – Б. 106-108.

14. Мамарахимов Б.Э. Ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги мувозанатликни таъминлашнинг назарий асослари. // Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида мутаносиблигни таъминлашнинг асосий йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани маъзуза тезислари тўплами. – Тошкент, 2011. – Б. 49-51.

15. Ишчи кучи таклифининг ракобатбардошлигини таъминлашнинг назарий асослари. // Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ракобатбардошлигини ошириш йўллари. Республика илмий-амалий анжумани маъзуза тезислари тўплами. – Тошкент, 2012. – Б. 82-83.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Мамарахимов Бекзод  
Эркиновичининг 08.00.01 – “Иқтисодиёт назарияси” иктиносилги бўйича  
«Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучига бўлган талаб ва  
таклифни мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги  
диссертациясининг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** ишчи кучи, ишчи кучи бозори, ишчи кучига бўлган умумий талаб, ишчи кучига бўлган кўшимча талаб, ишчи кучининг умумий таклифи, ишчи кучининг кўшимча таклифи, мувозанат.

**Тадқиқот обьекти:** Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучи бозори, унда талаб ва таклифнинг микдор, сифат ва таркибий жиҳатидан ўзгариши.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот методлари:** диалектика усул, илмий мушоҳадалаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, киёсий, тизимли таққослаш, математик ва статистик.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мазмуни, унинг бошқа товарларга бўлган талаб ва таклифдан фарқли жиҳатлари илмий асоссланган; ишчи кучига талаб ва унинг таклифи мувозанатини баҳолашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган; ишчи кучи бозори мувозанатлигини тўғри таъминлашда ишчи кучига бўлган умумий талаб ва таклифни хисобга олиш зарурлиги ва унинг кўшимча талаб ва таклифдан фарқланиши асосланиб, уларни микдорий жиҳатдан аниқлаш усуллари кўрсатиб берилган; иқтисодиётни модернизация килиш жараёнининг ишчи кучи талаби ва таклифига таъсири ўрганилиб, натижада иш ўринлари микдорининг ўзгаришини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар берилган; иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучи бозори мувозанатига эришиш мақсадида айрим тармоқлардан бўшаган ишчи кучларини бошқа тармоқларда ва хизмат кўрсатиш соҳасида кўшимиш иш жойларини яратиб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган; Ўзбекистон Республикаси худудларида турли омиллар таъсирида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариб туришини хисобга олган холда ишчи кучи бозорини мувозанатлаштиришнинг айрим йўналишлари кўрсатилган.

**Амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мазкур тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ишлаб чиқилган илмий амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги томонидан иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қисқарган мутахассис ва ишчи кучи эгаларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, тармоқларда модернизациялаш натижасида ишпиз қолганиларни шу соҳада хизмат кўрсатиш билан банд қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, турли имтиёзлар бериш орқали ишчи кучи таклифини мақсаддага мувофиқ йўналтириш борасида берилган таклифлар амалиётда кўллаш масадида қабул килинган.

**Татбиқ этиши даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот натижаларини иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучига бўлган талабни яратиш ва ишчи кучи таклифининг сифатини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишида татбиқ этиш мумкин. Диссертация ишнинг материаллари ва асосий гояларидан Республика олий ўкув юртларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Бозор иқтисодиёти асослари”, “Мехнат иқтисодиёти” фанлари, “Ишчи кучи ва бандлик назариялари” маҳсус курсларининг ўкув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Кўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, олий ўкув юртлари.

## **РЕЗЮМЕ**

**Диссертации Мамарахимова Бекзода Эркиновича на тему «Основные направления уравновешивания спроса и предложения рабочей силы в процессе модернизации экономики» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.01 – «Экономическая теория»**

**Ключевые слова:** рабочая сила, рынок рабочей силы, совокупный спрос на рабочую силу, предельное предложение рабочей силы, равновесие.

**Объекты исследования:** количественные и структурные изменения рынка рабочей силы в процессе модернизации экономики Республики Узбекистан.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на уравновешивание спроса и предложения рабочей силы в процессе модернизации экономики.

**Методы исследования:** метод диалектики, научная абстракция, анализ и синтез, индукция и дедукция, сравнительный, системное сравнение, математический и статистический.

**Полученные результаты и их новизна:** научно обоснованы содержание спроса и предложения рабочей силы, их отличия от спроса и предложения других товаров; разработаны методические основы оценки равновесия спроса и предложения рабочей силы; обоснована необходимость учета общего спроса и предложения рабочей силы при оптимальном обеспечении равновесия на рынке рабочей силы, и его отличие от дополнительного спроса и предложения, указаны методы их количественного определения; изучено влияние процесса модернизации экономики на спрос и предложение рабочей силы, и на основе этого даны методические рекомендации по оценке изменения количества рабочих мест; разработаны рекомендации по обеспечению занятости высвобожденной в некоторых отраслях рабочей силы путем создания дополнительных рабочих мест в других отраслях и сфере услуг в целях достижения равновесия на рынке рабочей силы в процессе модернизации экономики; указаны некоторые направления уравновешивания рынка рабочей силы с учетом изменения спроса и предложения на рабочую силу под влиянием различных факторов в регионах Республики Узбекистан.

**Практическая значимость:** разработанные научно-практические рекомендации и предложения по повышению квалификации и переподготовке специалистов, сокращенных в процессе модернизации экономики, привлечению оставшихся без работы в результате модернизации отраслей в сферу услуг этой же отрасли, улучшению условий труда, целевому направлению предложения труда путем предоставления различных льгот приняты для практического применения Министерством труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования можно использовать при разработке программ, направленных на создание спроса на рабочую силу и повышение качества предложения рабочей силы в процессе модернизации экономики. Материалы и основные идеи диссертационной работы могут быть использованы в совершенствовании учебных программ по дисциплинам «Экономическая теория», «Основы рыночной экономики», «Экономика труда», по специального курса «Теория рабочей силы и занятости» и в процессе обучения в высших учебных заведениях республики.

**Область применения:** Министерство труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан, высшие учебные заведения.

## **RESUME**

**Thesis of Mamarakhimov Bekzod Erkinovich on the scientific degree competition  
of the doctor of sciences (philosophy) in economy on specialty 08.00.01 - «Economic theory»,  
subject: «Guidelines for balancing the supply and demand for labor force  
in the process of modernization of economics»**

**Key words:** labor force, labor force market, the aggregate demand for labor force, limiting supply of labor force, balance.

**Subjects of research:** quantitative and structural changes in the labor force market in the process of modernization of the economy of Uzbekistan.

**Purpose of work:** work out scientific proposals and practical recommendations aimed at balancing supply and demand of labor force in the process of economic modernization.

**Methods of research:** the method of dialectics, scientific abstraction, analysis and synthesis, induction and deduction, comparative, systematic comparison, mathematical and statistical.

**The results obtained and their novelty:** the matter of supply and demand of labor force, their differences from the supply and demand of other goods scientifically have been proved; the methodical basis for evaluating the balance of supply and demand of labor force have been worked out; the necessity of taking into account a common supply and demand of labor force in optimum provision of balance in labor market and its difference from additional supply and demand has been grounded, methods of their quantitative determination have been shown; the effect of modernization process of economy on the supply and demand of labor force has been studied, and on the basis of it recommendations on evaluating the changes of number of workplaces have been given; recommendations on providing the release employment in some branches of labor force by creating additional workplaces in other branches and spheres with the purpose of achieving the balance in the labor market in the process of modernization of economy have been worked out; some guidelines for balancing a labor market taking into account the changes of supply and demand for labor force under the influence of different factors in the regions of the Republic of Uzbekistan.

**Practical value:** worked out scientific-practical recommendations and suggestions for further training and retraining of specialists, reduced in the process of modernizing the economy, attracting the remaining unemployed in the result of modernization of industries in the services sector of the same industry, improving working conditions, targeted towards the supply of labor by providing various preferences adopted for practical use by the Ministry of Labor and Social Protection of the Republic of Uzbekistan.

**Degree of embed and economic effectiveness:** results of a study can be used to develop programs aimed at creating demand for labor force and improve the quality of the labor force in the modernization of the economy. Materials and the basic ideas of the thesis can be used to improve educational programs in the disciplines "Economic Theory," "Fundamentals of the market economy", "Labor Economics", a special course on "Theory of the labor force and employment" and in the learning process in higher educational institutions of the republic.

**Field of application:** The Ministry of Labor and Social Protection of the Republic of Uzbekistan, higher education institutions.

Тадқиқотчи:

